2007 ЙИЛ, 9 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 28 (10.837) | Баҳоси эркин нархда

*Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллигига*

## БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

**БУЮК МУТАФАККИР, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН МАМЛАКАТИМИЗДА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА.**

Бугун эрта тонгдан пойтахтимизнинг энг кўркам ва сўлим гўшаларидан бўлмиш аллома номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғидаги Алишер Навоий ҳайкали олдида улуғ мутафаккир таваллудининг 566 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, шоир, ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, маҳалла фаоллари, талабалар ва ўқитувчилардан иборат кенг жамоатчилик иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов кириш сўзи билан очар экан, жумладан шундай деди: «Алишер Навоий беназир шоир, буюк мутафаккир, миллатимиз фахри-ифтихоридир. Буюк бобомиз ижоди улкан уммондир, ёҳуд дунёнинг энг ранг-баранг ва беназир хазинасидир. Кимки ниманидир ахтарса ушбу хазинадан албатта топқусидир. Жумладан барча навоийшунослар неча замонлардан буён бу улуғ меросни ўрганиб, тадқиқ этиб, ундан шоён баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Айтиш керакки, ҳаётнинг исталган жабҳасига тегишли чақмоқ фикрлар, гўзал ташбеҳлар бу хазинада ҳайратомуз даражада serобдур. Биз аваламбор Навоийнинг қалбига қулоқ тутишимиз ва англашимиз зарур. Бобомизнинг таваллуд куни наинки тенгсиз ифтихор куни, балки биз учун буюк уммондан яна бир карра баҳра олмоқ имкони ҳамдир.

Тадбирда адабиётшунос олима Суйима Ғаниева сўзга чиқиб,Навоийнинг ижоди, бой адабий мероси ҳақида гапириб, унинг асарлари ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Шунингдек маросимда сўзга чиққан Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Юй Хунцзюнь жаҳон адабиёти хазинасига муносиб ҳисса қўшган Алишер Навоийнинг ижоди бугунги кунда барча миллатлар учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини, алломанинг бой маънавий меросини ўрганиш долзарб ва муҳимлигини қайд этди. Тадбирда шоирлар, навоийшунос олимлар Алишер Навоийнинг серқирра ижоди ҳақида фахр билан сўзладилар, алломага бағишлаб ёзган шеърларидан ўқидилар. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари эса турли тилларда Навоий ғазалларидан ёд олдилар.



Шаҳримиз жамоатчилиги вакиллари мумтоз куй-садолари остида Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Улуғ шоир таваллудига бағишланган тантаналар шу куни Шоирлар хиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойида шеърхонлик, ғазалхонлик тарзида мушоира билан давом этди.

Алишер Навоий номидаги Миллий боғ мажмуасида бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтган тантанали маросимдан лавҳалар**





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!*

*Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бутун мусулмон оламининг ифодачиси бўлган Жаҳон ислом лигаси номидан Сиз, Жаноби Олийларини ва ўзбек халқини муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади. Парвардигордан Сизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат ато этишини сўрайман.*

*Жаҳон ислом ташкилоти мамлакатингизнинг ислом маданиятини ривожлантириш ишига қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлайди. Бу муҳим воқеани муносиб нишонлаш мақсадида биргаликда «Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро семинар ўтказишга тайёр эканимизни билдирамиз.*

*Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман, Ўзбекистон халқига янада равнақ ва фаровонлик тилайман.*

*Камоли эҳтиром билан,*

***Доктор Абдулла бин Абдулмуҳсин ат-ТУРКИЙ,***
***Жаҳон ислом лигаси Бош котиби***

## «NURLAN» ТУҲФАСИ

**БОКУДАГИ «NURLAN» НАШРИЁТИДА БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «МЕЗОНУЛ-АВЗОН» АСАРИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ ОЗАРБОЙЖОН ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ.**

Озарбойжон Миллий фанлар академиясининг Фузулий номидаги қўлёзмалар институти илмий ходими, филология фанлари доктори Тарлан Гулиев қаламига мансуб ушбу асар таниқли ўзбек адабиётшунос олими Иззат Султоннинг шу ҳақдаги китоби асосида яратилган.

Унда озарбойжон олимининг Алишер Навоий бобомиз ижодига мансуб аруз вазнида ёзилган ғазалларнинг ўзига хос ва бетакрорлиги хусусидаги шарҳи китобхонлар эътиборига ҳавола этилган. Китобда буюк шоир Алишер Навоийнинг туркий тил ва адабиёт тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланади.

Озарбойжон Миллий фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари номзоди Тофик Хачиев ушбу китобга ёзган тақризида, туркий шоирлар ўз ижодларида назмий аруз вазнини кенг қўллаганлари, ғазал мулкининг султони туркийда аруз вазнини назарий жиҳатдан асослаб бергани, буюк мутафаккир туркий тил имкониятлари нақадар улкан эканлигини амалий жиҳатдан исботлагани билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини китобхонлар билан ўртоқлашган.

**«Жаҳон» АА**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида Россия элчихонаси томонидан қандли диабетга чалинган беморларга мўлжалланган икки юзта тестўлчагич ва уч юз флакон инсулин препаратини топшириш маросими бўлди. Тестўлчагичга эга бўлган бемор соғлигини назорат қилиш билан бирга келиб чиқиши мумкин бўлган оғир асоратларнинг олдини олади. Тестўлчагичларнинг топширилиши Россия элчихонасининг «Ижтимоий ҳимоя йили»даги дастлабки хайрли тадбири бўлди.**

**• Навоий вилояти деҳқонлари ўтган йили 11653 тонна уруғлик пахта тайёрлаган эдилар. 2007 йил ҳосили учун 34 минг тонна уруғлик чигит тозаланиб, 28 минг тоннаси дориланди. Бу ишлар муддатидан 20 кун олдин бажарилди. Бундан ташқари, «Пахтасаноат» бирлашмаси ихтиёрида Бухоро вилоятидан 190 тонна, Сурхондарё вилоятидан 7 тонна уруғлик чигит келтириб қўйилди. Навоийлик ҳамкорлар Самарқанд вилоятига 70 тонна уруғлик чигит тайёрлаб жўнатишди.**

**• Урганч Қурилиш касб-ҳунар коллежида буюк шоир Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтказилди. Тадбирда воҳанинг таниқли олимлари, ижодкорлар иштирок этишиб, шоир ижодининг Хоразм музофоти билан боғлиқ томонлари, ҳаёт ва инсонни улуғловчи асарлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритдилар.**

**• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида таниқли адабиётшунос олим, ёзувчи ва таржимон Иброҳим Ғафуровнинг «Ҳаё халоскор» деб номланган китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

**• Тошкентдаги Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси залида Ботир Зокиржонов асарларининг кўргазмаси очилди. Тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Айтиш керакки, Б.Зокиржонов «Шу азиз Ватан — барчамизники!» «XXI аср мусаввири», «Юртим — ифтихорим» каби республика миқёсидаги кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаган.**

**• Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида чим устида хоккей бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон аёллар терма жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, юртимизга кумуш медаль билан қайтди.**

### ЖАҲОНДА

**• Қирғизистон парламенти Бош вазир Азим Исабеков лойиҳасига асосланган янги ҳукумат тузилмасини тасдиқлади. Унга кўра, ҳукуматни Бош вазир, биринчи вице-вазир ва вице-вазир бошқаради. Бундан ташқари давлат аппарати раҳбари Вазирлар Маҳкамаси таркибида вазир сифатида фаолият юритади.**

**• Туркия, Грузия ва Озарбойжон замонавий Буюк Ипак йўлини барпо этишга аҳд қилди. Ушбу давлатлар транспорт ва молия вазирлари Карс-Ахалкалаки-Тбилиси-Боку темир йўл магистрали қурилиши ҳужжатларини имзолашди. Бу магистрал Кавказорти ҳудудлари ва Марказий Осиё давлатларини Европа билан боғлашга хизмат қилади.**

**• АҚШнинг Канзас штатидаги «Канзас Сити» кимё заводида кеча бир нечта портлашлар рўй бериб, кучли ёнғин чиқди. Натижада завод атрофидаги бир нечта уйлар ҳам ёниб кетди. Завод атрофидаги 1,5 километр радиусда истиқомат қилувчи барча аҳоли ва корхоналар эвакуация қилинди. Ҳозирча портлаш сабаблари аниқ эмас. Ёнғиннинг яна икки кун давом этиши тахмин қилинмоқда.**

**• Европа Комиссияси қитъадаги жамики автокомпаниялардан атроф-муҳитни камроқ ифлослайдиган автомобиллар ишлаб чиқаришни талаб қилмоқда. ЕК талабига биноан 2012 йилга бориб ишлаб чиқариладиган машиналар экологияни ҳозиргига қараганда 18 фоиз камроқ заҳарлайдиган бўлиши лозим.**

**• Кеча Бағдод яқинида жойлашган, асосан шиа мазҳабидаги аҳоли яшайдиган Эл-Азизия шаҳрида террорчилик ҳаракати содир этилди. Портловчи моддалар билан тўлдирилган автомобилнинг портлатилиши оқибатида 30 киши ҳаётдан кўз юмди, 50 га яқин киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Таъкидлаш керакки, жабрланганларнинг асосий қисмини тинч аҳоли ташкил этади.**

**• Германиянинг Берлин шаҳрида нуфузи жиҳатидан машҳур Канн ва Венеция кинофестивалларига яқин турувчи 57-анъанавий халқаро кинофестиваль бошланмоқда. Унда жаҳондаги энг машҳур киноюлдузларнинг иштирок этиши кутилмоқда. Кинофестиваль дастуридан 400 га яқин тасмалар ўрин олган бўлиб, анжуман машҳур француз қўшиқчиси Эдит Пиаф ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи Франция ва Буюк Британия киноижодкорларининг лентаси билан бошланади.**

**• Кутилмаганда Европанинг Голландия, Буюк Британия, Бельгия давлатларида шу кунларда ҳақиқий қиш ҳукм сурмоқда. Кучли совуқ ва тўхтовсиз қор ёғиши туфайли ушбу мамлакатлардаги айрим аэропортлар, мактаблар вақтинчалик ёпилди, жамоат транспорти қатновида ҳам узилишлар вужудга келди.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 10 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 16-18 даража иссиқ бўлади.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

●**«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида **БУГУН** талабаларнинг Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

●**БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабда Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллиги муносабати билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган навоийхонлик кечаси туман халқ таълими бўлими ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

●**«ЭКОСАН»** халқаро ташкилоти ташаббуси билан юртимизда экологик вазиятни яхшилашга муҳим ҳисса қўшишни ният қилган эколог олимлар ўртасида «Энг яхши тадқиқот учун» танлови эълон қилинди.

●**ШАҲРИМИЗ** бунёдкорлари томонидан яқинлашиб келаётган Наврўз айёмига туҳфа сифатида Уйғур номидаги кўча қайта таъмирланмоқда.

●**МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида буюк мутафаккир шоир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллигига бағишлаб уюштирилган илмий анжуманда адабиётшунос олимлар, шоирлар, ўқитувчилар, талабалар иштирок этишди.

●**ИЖТИМОИЙ** ҳимоя йили муносабати билан «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорликларида Сурхондарё вилоятига озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари, кўрпа-тўшак анжомлари ортилган «Саломатлик» поезди жўнаб кетди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида адабиётшунос олимлар иштирокида ўтказилган илмий анжуманда ёшлар тарбиясида Навоий шеъриятининг роли муҳокама қилинди.

●**ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбир «Ғазал мулкининг султони» деб номланди.

●**СЕРГЕЛИ** туманидаги 322-мактабда ўқувчилар ўртасида «Ғазалхон ёшлигим» мавзуида кўрик-танлов уюштирилди.

●**АЛИШЕР** Навоий таваллудининг 566 йиллигига туҳфа сифатида ҳайкалтарош Равшан Нортожиевнинг шоир сиймоси акс этган янги асари санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛ 17 АПРЕЛДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2006-2010 ЙИЛЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН БЎЛГАН БАҲОЛАШ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.**

*Қарор ва ижро*

## БАҲОЛАШ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

— Ушбу ҳужжат асосида миллий баҳолаш стандартлари ишлаб чиқилди, — деди Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг баҳолаш ва биржа фаолиятини лицензиялаш бошқармаси бошлиғи Азиз Нагаев ЎзА мухбирига. — Ўзбекистон Баҳоловчилар жамияти вакиллари билан ҳамкорликда жойларда баҳолаш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар ходимларига давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилди.

Айни вақтда баҳолаш фаолиятига оид қабул қилинган тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тайёрланган лойиҳалар кўриб чиқиляпти. Ўтган йили қўмитамиз қошида баҳоловчилар малакасини ошириш йўлга қўйилди. Ташкил этилган бизнес мактабимизда шу кунга қадар икки юз нафарга яқин тингловчи кўчмас мулк, машина ва механизм, интеллектуал мулк ва бизнес баҳолаш йўналишлари бўйича ўз тажрибасини оширди.

Маълумотларга қараганда, республикамиз бўйича 270 дан ортиқ хусусий корхона ва ташкилот баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган. Уларнинг 60 дан кўпроғи давлат мулкини баҳолаш билан шуғулланиб келаётган бўлса, қолгани нодавлат мол-мулкни баҳолашга ихтисослашган.

Пойтахтимиздаги Баҳолаш ва консалтинг маркази ёпиқ акциядорлик жамияти улардан бири.

— Жамиятимиз корхоналарни, кўчмас мулкни, ускуналарни, транспорт воситаларини, интеллектуал ва бошқа мулкни баҳолаш ҳамда бу борада консалтинг хизмати кўрсатишга ихтисослашган, — дейди жамият бош директори Одил Исломов. — Барча вилоятларда жамиятимизнинг тегишли ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг олтмишдан ортиғи профессионал баҳоловчи аттестатига эга.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар баҳолаш хизматини такомиллаштириш, янги иш ўринларини яратиш билан бирга халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

